

Оила ҳуқуқида никоҳ ёши

Ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини қуриш бизнинг асосий мақсадимиз экан, шундай жамиятни, давлатни қуришда, раванг топтиришда оиланинг ўрни беқиёсдир. Оилада шахс дунёга келиб, ўз ўрнига, мавқеига эга бўлади. Фарзанд маънавий озуқа ва муҳитни авваламбор ота-онаси, бобо-бувиси ва энг яқин инсонларидан олади. Оиладаги муҳит, шароит, ота-онанинг фарзандига бўлган муносабатидан, шунингдек фарзандни оқил ва доно қилиб тарбиялашдан, унинг камоли учун бор кучини сарф қилишдан иборат бўлиб, ҳар бир ота-онанинг бурчи, асосий вазифаси ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши мамлакатда навқирон авлодга эътибор ва ғамхўрлик қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш энг устувор вазифалардан бирига айланганининг яна бир ёрқин ифодаси бўлади.

Келажак авлод жамиятни, давлатни шакллантиришда қатнашиши билан бирга шу жамиятда яшайди ва ундан баҳра олади. Авлоднинг ҳар томонлама маънавий, маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан баркамол эканлиги давлатимизнинг гуллаб яшнаши учун асосий омилдир. Бундай авлодни тарбиялаш учун биз кура бошлаган жамиятнинг табиатига монанд келадиган, унинг хусусиятларини ўзида мукаммал акс эттира оладиган оилани барпо этиш зарур.

Никоҳ оиланинг вужудга келишининг бирдан-бир асоси, омили бўлиб хизмат қилади. Никоҳ муносабатлари қанчали соф, эркин, ихтиёрий, шунингдек давлат томонидан қўйилган талабларга монанд равишда тузилса, албатта, шу оиланинг мавқеи, обрўи, шунингдек ушбу оилада вояга етиб келаётган фарзандлар ҳам комил инсон бўлиб етишадилар.

Шу нуқтаи назардан олганда, никоҳ, никоҳ ёши каби масалалар ҳозирги кунда ўта муҳим, ечимини кутаётган ҳамда муаммоли массалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасига биноан, никоҳ ёши аёллар учун 17 ёш, эркеклар учун 18 ёш қилиб

* ТДЮИ ўқитувчиси

белгиланган. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Бунга яна бир асос шуки, ўн саккиз ёшга кирган йигитларнинг оилани боқиши учун кўлида бир ҳунари бўлмаса, бу ёшда у ўқиётган бўлса, у қандай қилиб оиласини боқади. Ҳаётда хотини-ю, болаларини ота-онаси боқаётган йигитлар кўп бўлса ҳам, аммо ўз оиласини ўзи мустақил боққани маъқул.

Мутахассисларнинг фикрича, мўътадил оналик даври 19 ёшдан бошланади. Биринчи бола она 19-26 ёшга тўлганда туғилса, мақсадга мувофиқдир. Тиббиёт хулосаси шуки, қизлар фақат 18 ёшдан кейин турмушга чиқишлари лозим. Шундагина баркамол онадан соғлом бола туғилади.

Қонунда никоҳ ёшининг эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланиши бу ҳали мукаммал ёш фақат никоҳ тузиш учун бўлган ҳуқуқ. Неча ёшдан никоҳга ўтишликни уларнинг ўзлари ҳал қиладилар. Никоҳ ҳуқуқий муносабати табиий жараён бўлганлиги учун янги қонун илгари амалда бўлган никоҳ ёшини, яъни эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёшни сақлаб қолди.

Оила кодексида фақат неча ёшдан бошлаб никоҳга кириш мумкинлиги белгиланган, аммо неча ёшдан бошлаб никоҳ тузиш мумкин эмаслиги белгиланмаган. Шунга кўра, никоҳдан ўтувчиларнинг ёшларидаги, катта фарқ никоҳ тузишга монелик қилмайди. Бизнинг мамлакатимизда никоҳдан ўтувчиларнинг ёшлари ўртасидаги катта фарқ камайиб бораётгани сезилмоқда¹. Бизнинг фикримизча, никоҳ тузувчилар ўртасида катта фарқ бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир, бунга сабаб:

биринчидан, эркак ва аёлнинг шахвоний эҳтиёжларини қаноатланишига таъсир кўрсатиш, бу билан оиланинг бузилишига;

иккинчидан, ёши катта эр-хотиндан бирининг аксарият ҳолларда ёруғ дунёдан олдинроқ кўз юмиши сабабли фарзандлар тарбиясига ва оиладаги иқтисодий қийинчиликларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Оила кодексининг 15-моддасида “узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман,

¹ Труд, семья, быт женщины, М., 1990., 38-бет.

шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилгача камайтириш мумкин”лиги ҳақида айтиб ўтган эдик. Хўш, “узрли сабаблар”, “алоҳида ҳоллар” тушунчасига нималар киради. Бу ҳақда 15-моддада ҳеч нима дейилмаган. Бизнинг назаримизда қонунда никоҳ ёшини камайтириш учун асос бўладиган ҳолатларнинг доирасини белгилаш (тахминий саноғини бериш) мақсадга мувофиқ бўлар эди. Буларга, никоҳ ёшига етмаган қизни ҳомиладор бўлиб қолиши ёки туққан бўлиши, ота-оналарни уларни турмуш қуришга рози бўлишлари, бўлажак куёвни ҳарбий хизматга чақирилиши ва бошқа муҳим сабабларини киритиш мумкин.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи давлатларнинг Оила кодексларида никоҳ ёшини қисқартириш турлича белгиланган. Масалан, Россия Федерациясида белгиланган ўн саккиз ёшни икки ёшга пасайтириш ваколатлари қонунда кўрсатилган тегишли идораларга берилган.

Айрим узоқ хорижий мамлакатларда масалан, Польша Республикасида никоҳ ёши эркаклар учун йигирма бир ёш, аёллар учун ўн саккиз ёш; Руминия Республикаси аёллар учун ўн олти; Хитой Халқ Республикасида эса аёллар йигирма ёшдан, эркаклар йигирма икки ёшдан никоҳ тузишга ҳақли эканлиги белгиланган.